2001 ЙИЛ 16 феврал, ЖУМА

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 20 (6.233). Сотувда эркин нархда

## БУГУНГИ СОНДА:

**АБДУЛЛА ҚАҲҲОРГА ДЎСТ ТУТИНГАН РАИС**

*-Қишлоқ ҳаммани боқади. Деҳқонларимизнинг омадини берсин. Ҳосилларимиз мўл, бозорларимиз тўкин-сочин бўлсин. Юртимиздан, ҳар бир хонадондан тинчлик, хотиржамлик, файз-барака аримасин!*

**(1-2-саҳифаларда)**

**ЎЗБЕК "БАЛЬЗАМ"ИГА ГРАН-ПРИ СОВРИНИ**

*Олимлар ва мутахассислар узум ҳамда меванинг ҳозирги табиий-иқлим шароитига мос келадиган янги навларини тезроқ яратиб, ишлаб чиқаришга тадбиқ этсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.*

**(1-2-саҳифаларда)**

**"АВЕСТО"ДА АМУДАРЁ МАДҲИ**

*Қаранг, Амударё "Авесто"да қандай шарафланаяпти, улуғланаяпти, йўқ, аниқроғи илоҳийлаштирилаяпти. Бу бежиз эмас, чунки, сув - ҳаёт, у тирикликнинг мезони. Шунинг учун, Амударё улуғланяпти. "Кенг, ёйилиб оққувчи ул оби ҳаёт" қанчалик ҳурмат қилинса, шунчалик оз, эътиқоду эътиборнинг энг аввали унга бўлсин.*

**(1-4-саҳифаларда)**

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Пойтахтдаги «Шератон» меҳмонхонасида Ўзбекистон Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси ҳамкорлигида «Ўз-ўзини бошқарув органларининг ҳуқуқий бошқарилиши: қонунчилик ва амалиёт» мавзуида халқаро конференция бошланди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган анжуман «Санъат ва Навоий» мавзуига бағишланди.

● Бухорода Матбуот маркази иш бошлади. Бу ерда журналистлар вилоят ижтимоий ҳаётига оид барча маълумотларни тегишли ташкилотлардан олиш ва тайёрлаш, шу ернинг ўзидан вилоят ва республика матбуотига юбориш имкониятига эга бўлишади.

● Навоий шаҳрида Наврўз байрамига тайёргарлик ҳар йилгидан барвақт бошланди. Шу муносабат билан ўтказилган вилоят фаоллари йиғилишида 10 ва 17 март кунлари Наврўз шарафига умумхалқ ҳашари ўтказиш, ундан тушган маблағни байрам тадбирларига сарфлашга келишиб олинди.

● Андижон вилояти аҳолиси буюк мутафаккир, шоир, этнограф, ҳарбий саркарда, йирик давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 518 йиллигини кенг ва тантанали нишонлади.

● Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Фарғона вилоят ҳокимлиги, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ҳамда «Винрок интернешнл» халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорликда «Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нодавлат, нотижорат ташкилотларининг ўрни» мавзуида минтақавий конференция ўтказди.

● Қашқадарё вилоят прокуратураси вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани ўқитувчилари малакасини ошириш режасини ишлаб чиқди.

## ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.***

Унда ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва муддати ўтган дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссияларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, ўзаро ҳисоб-китоблар аҳволи, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг иш ҳақига доир қарздорлиги масалалари кўриб чиқилди.

Ҳукумат комиссияси мажлисида бир қанча вазирликлар, идоралар, концернлар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссия раиси Р. Азимов ўз маърузасида ўтган даврда вазирлик ва идоралар томонидан республика бюджетига тушумлар тахминий кўрсаткичларини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этди. Шу билан бирга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзмонтажмахсусқурилиш», «Ўзбек ипаги» уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниялари, «Ўзавтотранс» корпорацияси, «Ўзагромашсервис», «Ўзбектрансқурилиш»-га қарашли ташкилотларда бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ўсгани қайд этилди.

Мазкур вазирлик ва идоралар раҳбарларига бюджетга тўланмай қолган қарзларни тугатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш топширилди.

**ЙИҒИЛИШ**

Марказий банк раиси, Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини қисқартириш бўйича кичик комиссия раиси Ф.Муллажонов ўз маърузасида ўтган даврда ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ҳисобига 2001 йил 1 январдаги ҳолатга кўра республикадаги корхона ва ташкилотлар бўйича муддати ўтган умумий дебиторлик қарзлари 41 фоизга, кредиторлик қарзлари 58 фоизга қисқарганини қайд этди. Бундан ташқари мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идоралар бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзлари тугатилган. Бюджетнинг режали харажатларини молиялаш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш натижасида дебиторлик қарзлари, шу жумладан тизим ичидаги қарзлар сезиларли даражада қисқартирилди.

Мажлисда тегишли кичик комиссияларнинг 2001 йилдаги фаолиятига оид устувор йўналишлар белгиланди. Улар бюджет олдида қарздорликка йўл қўймаслик, ҳудудий комиссияларнинг роли ва масъулиятини ошириш, ўзаро қарздорликка, бюджет тўловлари ўсишига йўл қўяётган тармоқлар ва идоралар раҳбарларига нисбатан кўриладиган чораларни кучайтиришдан иборат.

Ҳукумат комиссияси айрим корхоналарда иш ҳақи бўйича қарздорлик мавжудлигини қайд этди. Шу муносабат билан вазирлик ва идоралар раҳбарларига ўзларига қарашли ҳар бир корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли қарорига мувофиқ иш ҳақи бўйича қарздорликни тугатиш юзасидан тезкор чоралар кўриш топширилди.

Баённома қарорига асосан Ҳукумат комиссиясининг 2001 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

**(ЎзА)**

## ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКУР



**Суратда: Поп туманидаги сўлим Кенгкўлсой қишлоғида истиқомат қилаётган 104 ёшли нуроний онахон Маҳкамбуш Деҳқонова.**

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

## СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

***Автобус манзилига етгунича турли хил одамлар чиқиб-тушади. Бири бирига ўхшамайдиган йўловчилар ўз ташвиши, уй-хаёллари билан банд. Бир нечта қоп ортган эркак ва аёлнинг кўзлари толиққан, юзлари ҳорғин.***

### ОРИЯТНИ УНУТГАН ЭРКАК

Уларнинг эру хотин эканлиги шундоққина билиниб турарди. Сезишимча, тирикчилик учун турли хил кийим-кечаклар олиб сотишса керак.

Автобуснинг қалқиб тўхташи ўйларимни тўзғитиб юборди.

-Яна, йўловчилар бўлса керак-да – деган хаёлда олд эшикка қарадим. Бу сафар бизни ДАН ходимлари тўхтатишган эди. Автобусдаги юкларни кўздан кечиришди, навбат юкхонага етгач, ДАН ходимлари юкларнинг эгасини суриштирди чоғи, ҳайдовчи зинғиллаганича ичкарига кириб, ҳалиги киши билан нималарнидир гаплашди, негадир у ўриндиққа ёпишиб қолгандек, ўрнидан қўзғалмасди ва ниҳоят унинг аёлини ички ишлар ходимлари саволга тутишди...

Тавба! Оиланинг тиргаги, суянган тоғи бўлиш ўрнига аёлидан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланса-я!.. Жаҳлим чиққанидан, ёнимдаги одамга фикримни айтишдан ўзимни тиёлмадим. Шеригим бу борада бошқача фикрда экан. Унинг айтишича, бу "бизнес сиёсати" эмиш.

-Биласизми, - деб қолди у – аёл кишининг ҳийласи қирқ эшакка юк, деган нақл бор. Ҳозир кўрасиз, аёл лўлилик қилса ҳам сувдан қуруқ чиқади.

Воажаб, шарҳни "шайхи" билан дардлашибман-ку. Наҳотки, эр киши "сувдан қуруқ" чиқиш учун ДАН ходимларининг саволига жавоб беришга аёлини рўбарў қилса?! Балки, айнан шунинг учун ҳам уни шаҳарма-шаҳар судраб юргандир?! Эркакнинг орияти, ғурури қайда қолди?

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА**

## ЯХШИ НИЯТ - ЯРИМ ДАВЛАТ

**НИГОҲ**

***Халқимиз донишманд. Энг оғир дамларда ҳам иймон-эътиқодига содиқ қолиб, муаммоларни оқиллик билан ҳал эта олади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бунга яна бир карра амин бўлдик. Халқимиз ҳамиша яхши кунлар умиди билан яшаб, меҳнат қилди. Истиқлолга, унинг буюк келажагига ишониб яшади.***

Гоҳо ташвишлар тинка-мадоримизни қуритди. Умидсизлик фикру ўйимизни чулғаб олди. Лекин Ватан озодлиги, истиқлол бахти бизга куч-қувват бахш этди. Руҳиятимизни кўтарди.

Бозор иқтисодиёти – қаловини топиб қорни ёндириш, излаб имкон топиш дегани ҳамдир. Чорасизлик гирдобига тушган кезларда ҳам ҳавас билан, яхши ният билан яшаш улуғ саодатдир.

Ҳали-ҳануз давраларда бугунги кунидан нолийдиганлар учраб туради. Ана ўшалар билан баҳслашгинг, меҳнатдан бахт топган инсонлар беҳисоб эканлигини уқтиргинг келади. Ҳатто, оғир йилларда ҳам қўлида ҳунари борлар хор бўлмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди-ку!

Фарғонанинг сўлим қишлоқларидан бирида уста Абдуллажон деган киши яшайди. Етмиш ёшдан ошса ҳам тиним билмайди. Олти ўғил, уч қизни уйли-жойли қилди. Фарзандлари аҳил, меҳнаткаш. Ҳаммаси бирбировига кўмаклашиб машинали бўлди. Ҳозир Абдуллажон бува адирликда боғ яратган. Кампири билан фаровон умр кечиряпти.

-Меҳнатнинг нони ширин бўлади, - дейди отахон. – Лекин меҳнат экан деб кўр-кўрона ишлайвермаслик керак. Ишнинг кўзини билиш лозим. Бунинг учун эса уқув, озгина илм керак.

Уста Абдуллажон бува ошхўрликни яхши кўради. Ҳар ҳафта ёр-биродарларини чақириб, меҳмон қилади. Дўстларининг айтишича, янги сузиб келтирилган ошни ўртасидан бир сиқим олиб, лаганни тагига етишга баҳс бойлашиб енгиб чиққан. Шундай сиқим олганки, лаганнинг таги кўриниб қолган. Ана шундай. Ишлаган тишлашни ҳам билиши керак.

Турмушимиздаги қут-барака бизнинг меҳнатимизга, ҳатти-ҳаракатимиз ва ҳатто қандай ният қилишимизга ҳам боғлиқ.

Қадимда туш таъбирлайдиган донишманднинг ҳузурига бой-бадавлат бир киши келиб:

-Тушимда бурнимдан қон кетди. Энди нима бўлади? - деб сўрабди. Шунда донишманд:

-Сиздан давлат кетибди, - дея жавоб беради.

Орадан бироз фурсат ўтиб, бир ўртаҳол киши келиб:

-Тақсир, тушимда бурнимдан қон келди, таъбири қандай бўлади? – дебди.

Мезбон:

-Сизга давлат келади, - дея жавоб қайтарибди.

Донишманд ҳузурида ўтирган кишилар бу ҳолдан таажжубланиб:

-Эй, муҳтарам зот, ҳузурингизга икки киши келиб бир хил туш айтди. Лекин, сиз икки хил таъбирладингиз. Бунинг сабаби нимада? – деган саволни беришибди.

Шунда донишманд:

-Мен бу ерда ҳеч нарсани кашф қилганим йўқ, бўлажак ҳодисани ўз оғизлари билан айтдилар. Бири қон кетди, деб айтди, давлат кетганини билдим. Иккинчиси қон келди, деб айтяпти, шунинг учун унга давлат келади, деб айтдим.

Ҳақиқатда ҳам ҳар икки кишининг тақдири таъбирчи айтганидек бўлган экан.

Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди.

Бу бир жиҳатдан. Иккинчи томони, инсон ўз ниятига яраша яшайди, ишлайди.

Мустақиллигимиз ўн ёшга қадам қўйди. Ҳар биримиз ўз оиламиз ташвиши билан ўралашиб қолмасдан, ўн ёшга тўлаётган паҳлавон мамлакатимизнинг ишларига кўмаклаша олсак, қани эди.

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир, дея ёзганди улуғ Чўлпон. Ана шу куч, ана шу қудрат ҳамиша биз билан. Фақат бу кучни бирлаштира олиш, бу кучни мамлакатимиз фаровонлиги учун, истиқлолимиз қудрати учун йўналтира олишимиз лозим.

## ИНСОНИЯТ БОШИДАГИ ТАШВИШ

**ОГОҲЛИК**

***Бутун инсоният одатдагидан ташқари зўр ҳаяжон билан кутиб олган янги минг йилликнинг иккинчи ойи ўтиб боряпти. Аммо, ўтган асрнинг сўнгги чорагида авж олган жиноятчиликлар, табиий офатлар, низолар XXI асрда ҳам тўхтагани йўқ.***

Кейинги йиллар тарихига назар соладиган бўлсак, неча йиллардан буён давом этиб келаётган Яқин Шарқ можароси, Афғон муаммоси, Кашмир, у кунда бир марта бўлса-да, курраи заминимизнинг қайсидир бурчида ўз соясини кўрсатяпти. Эндиликда, ушбу жаҳолат ботқоғи марказида турган бин Лоден, Хаттоб каби манфурларнинг, "Ҳизбуллоҳ", "Ҳамас" сингари экстремистик гуруҳларнинг номлари тез-тез қулоққа чалиняпти. Бот-бот улар уюштираётган хунрезликларни эшитиб қоляпмиз. Нега???

"Биз иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозондик, биз вабо, ўлат каби касалликларни енгдик... Афсуски, инсонлар ўртасидаги адоват ва терроризмни йўқота олмадик..." дея тан олган эди Уильям Черчилль ўз эсдаликларида.

Чеченистондаги воқеалар минглаб кишилар ҳаётига зомин бўлмоқда.

Ўз навбатида, халқаро миқёсдаги нуфузли ташкилотлар ҳамда дунёнинг етакчи мамлакатлари қайсидир маънода, бу хил низоларни бартараф этишга ҳаракат қилаётган бўлсалар-да, негадир бундай уринишларнинг самараси кам бўлаётир. Боиси...

Сўнгги пайтларга келиб, жирканч терроризм балоси инсоният ҳаётига жиддий таҳдид сола бошлади. Бугун

Аслида "терроризмнинг мақсади – аҳоли хавфсизлигига қарши жиноятлар қилиш, портлатишлар, одамларни ваҳимасаросимага солиш ҳамда давлат олиб бораётган сиёсатни издан чиқаришдан иборат", дея ёзади Г.Маткаримова "Террор ва терроризм" мақоласида.

**(Давоми 2-бетда)**

## КЎРАР КЎЗИМ, АЙТАР СЎЗИМ БОР

***Бугунги меҳмонимиз - наманганлик Маматхон ота БОБОХОНОВ***

***Маматхон ота, сиз катта ҳаёт йўлини босиб ўтиб, ўзидан муносиб ном қолдирган табаррук инсонсиз. Бугунда нафақат ўзингиз яшаётган Косонсойда, балки, Наманганнинг кўпгина туманларида, Попда ҳам, Чустда ҳам, Мингбулоқда ҳам, Тўрақўрғону Янгиқўрғонда ҳам сиз амалга оширган эзгу ишларни ҳурмат билан эслашади, эътироф этишади.***

**-Бугун бир суҳбатингизни олайлик, деган ниятда таҳриятимизга таклиф этдик. Хуш келибсиз.**

-Минг раҳмат.

**-Бизнинг бешинчи қаватга кўтарилган меҳмон, энг аввало, "беш" рақамини шарҳлаб бериши керак...**

**БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ**

-"Беш" сиятли ралан, фарраларимиз жудаям хоқам. Масаланд набимактабдан келгач, "бугун неча баҳо олдинг?" деб сўрасак, "беш" деса, хурсанд бўламиз. Ёки икки оғайни учрашиб қолиб, бириси "ишлар қалай?" деб сўраса-ю, "ишлар беш" деган жавобни эшитса, кайфияти кўтарилади. Бирон бир ошнамиз ишни қойиллатса ҳам "беш кетди" деймиз... Илоҳим, ҳар бир яхши ниятли инсоннинг иши ҳар доим олдига боссин, "беш" бўлсин!

**-Саломат бўлинг! Сир бўлмаса янги аср, янги минг йиллик бошида хаёлингиздан нелар кечяпти?**

-Кўрар кўзим, айтар сўзим бор. Менинг назаримда, биз ўзбекистонликлар учун бутун бир аср ҳам бир бўлди-ю, унинг сўнгги ўн йиллиги ҳам бир бўлди. Худди шу йилларда ота-боболаримизнинг, ҳамма-ҳаммамизнинг узоқ йиллик орзу-армонларимиз ушалди. Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритди. Ўзбекистон Ислом Каримовдек заковатли, мард, танти, ўткир сиёсатдон йўлбошчисига эга бўлди.

**(Давоми 2-бетда)**

## СОВРИНЛАР – ЭЪТИРОФ БЕЛГИСИ

**ЗАМОН – ИЗЛАНГАННИКИ**

***Самарқанддаги шароб корхонаси жаҳон миқёсидаги қандай совринларга сазовор бўлганлигидан хабар топганмисиз? Айримлар бу ҳақда эшитган бўлиши мумкин.***

Кўпчилик бехабар эканлигини назарда тутиб, энг муҳим совринларга тўхталишни жоиз топдик. 1999 йили Ялта шаҳрида ўтказилган жаҳон кўргазмасида корхонамизда ишлаб чиқарилган "Бальзам" ичимлиги энг катта мукофот - "Гран При" совринига сазовор бўлган. Шунингдек, турли йилларда ўтказилган ярмарка-кўргазмаларда корхона маҳсулотларига 30 та олтин, 21 та кумуш, 6 та бронза медаллари берилган.

Юқоридаги далилларни келтирганлигимиз бежиз эмас. Ана шу совринлар шаробсозларимиз узоқ йиллардан бери қилиб келаётган меҳнатлари ва изланишлари эътироф этилганилигининг белгисидир. Самарқанд шароб заводи шу тармоқнинг фақат вилоятдагина эмас, балки мамлакатдаги энг кўҳна ва йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. У ўзининг бой тарихига эга бўлиб, неча-неча авлодлар бу ерда шаклланган анъаналарни давом эттириб, ривожлантириб келмоқдалар.

Хом ашё етиштирувчилар, маҳсулот тайёрловчилар манфаатдорлигининг ўзаро уйғунлигига эришиш мақсадида мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам узум етиштирувчи хўжаликлар ва уни қайта ишловчи корхоналар агрофирма таркибига киритилган. М.А.Ховренко номли фирмамиз таркибида ҳозирги пайтда Пастдарғом туманидаги Н.Козимов номли, Ургут туманидаги "Мўминобод" ширкат хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ана шу хўжаликларда узоқ йиллар давомида узумзорлар тобора кенгайтирилиб, бугунги кунда уларнинг майдони 1560 гектарга етказилган.

**(Давоми 2-бетда)**

## "ҚУТЛУҒ ҚАДАМ ҲАМДА БЕҲУДУД"

**"АВЕСТО"НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА**

***Жайхун – заминимизнинг зар кокилларидан бири. Амударё ҳақида "Авесто"да махсус бўлим бўлиб, унинг номи "Сувлар қасидаси"дир.***

Мазкур қасидада сув ва ҳосилдорлик маъбудаси – Ардви таърифланиб – "нам", "буғ" маъноларини англатади. "Ардви"га "Анахита" исми қўшиб айтилади. "Анахита"нинг маъноси – "ғуборсиз", "покиза" деганидир. Шундай қилиб, Амударёга бағишланган қасида "Ардвисура – Анаҳита" деб номланади. Демак, мазкур қасиданинг "Покиза нам сураси" маъноси бор. Бундан Амударё ҳам мустасно эмас. Агар эътибор берган бўлсангиз, номларнинг қўйилишида жуда катта маъно бўлиб, айни вақтда мақсади ҳам аниқ. "Сувлар қасидаси"нинг ўзи ҳам гап нимадалигини англатиб турибди. "Нам" ва "буғ"лар ҳам сувга тааллуқли бўлиб, бу ҳаммага маълум. Номнинг мазмундорлигини оширишда ҳам аждодларимиз ақлнинг қудратидан унумли фойдаланган. "Ғуборсиз", "покиза" каби гўзал иборалар билан номни безаган, унга жило бериб, мазмунини оширган. Мана, "Авесто"га қулоқ тутинг:

**Спитам – Зардуштга деди Аҳура-Мазда:**
**(Спитам – Зардушт – Зардуштийлик динининг асосчиси, пайғамбари. Аҳура-Мазда – Зардуштийликнинг олий илоҳи).**
**-Сен мен учун Ардвисура – Анахитани**
**Шарафлагил, Спитам – Зардушт.**
**Кенг ёйилиб оққувчи ул оби ҳаётни,**
**Иблис қавмин ҳасми ҳамда мен – Аҳуранинг**
**Эътиқод ва иймонига шафеъ хилқатни,**
**Ул муносибким, эҳтиром қилсин ҳамиша.**
**Бу жисм даҳри,**
**Вужуд олами.**
**Ул арзумандким, эҳтиром қилсин бардавом.**

**(Давоми 4-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

**ДЕҲҚОНТАБИАТ РАИС** | **КУТУБХОНАДАГИ ШАРПАЛАР** | **ОҲ, МЕНИНГ ҚИРҚТА ЖОНГИНАМ...**

## ҚОМУСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

***Мамлакатимиз Конституциясида иқтисодий муносабатлар масаласига алоҳида боб бағишланган бўлиб, унда республикамиз иқтисоди бозор муносабатларига асосланиши белгиланган.***

Чунончи, Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасида кўрсатилишича, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Ушбу моддада иқтисодий муносабатларнинг асоси бўлган мулк масаласига катта эътибор берилган. Унда кўрсатилишича, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқли ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилади. Айниқса, хусусий мулкни кенг жорий қилишга урғу берилиб, унинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз эканлиги ва хусусий мулк давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган.

## МУЛКДОРЛИК

Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг ҳам мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эканликлари алоҳида белгиланган. Асосий Қонунимизнинг 36-моддасига кўра, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Бу каби қоида илгари ҳаракатда бўлган биронта ҳам конституцияларимизда ўз ифодасини топмаган эди. Аксинча, фуқароларнинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари ўта чекланган эди. Уларга ишбилармонлик, тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланишга имкон берилмас эди. Бу эса барча фуқароларнинг ишлаб чиқаришга совуққонлик билан муносабатда бўлишларига олиб келиб, иқтисоднинг тараққий этишига салбий таъсир қилган эди. Ҳозирда ҳаракатдаги конституциямизда бу каби салбий ҳолатларга чек қўйилиб, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини муҳофаза қилиши кафолатланди (53-модда).

Иқтисодий тараққиётга эришишда табиий бойликларнинг алоҳида ўрни бор. Улардан оқилона ва самарали фойдаланиш иқтисодни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан, конституциямизнинг жамият иқтисодий негизларига бағишланган бобида табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган. "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар, - дейилади Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида, - умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир". Асосий Қонунда табиий бойликларнинг давлат мулки этиб белгиланиши табиий ресурслар инсон меҳнати маҳсули эмаслиги, улардан фойдаланишда умумхалқ ва давлат манфаатларининг устуворлиги каби ҳолатлар эътиборга олинган. Хусусан, ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонларни хусусий мулк сифатида фуқароларга бўлиб бериб бўлмайди, улардан давлат мулки ҳуқуқи асосида фойдаланиш умумхалқ манфаатларига мос тушади. Шу сабабдан, табиат бойликларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат мулкчилиги тўғрисидаги қоида ўз ифодасини топган. Аммо, табиат бойликларига мулкчилик масаласида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида баъзи тоифадаги ерларга нисбатан бошқача тартиб ўрнатилган. Масалан, шу кодекснинг 2-моддасида кўрсатилишича, дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга ваколатхона биноси; юридик ва жисмоний шахсларга савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан; чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, республикада доимий истиқомат қилаётган ва истиқомат қилиш учун гувоҳномаси бўлган шахсларга турар-жой бинолари ер участкалари билан бирга сотилаётганда мулк қилиб берилиши; фуқароларга уй-жой қуриш учун кимошди савдоси асосида сотилиши мумкин. Бу ҳолатларда юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари том маънода хусусий мулк сифатида берилади, деб ҳисобламаслик лозим. Улар ерга нисбатан фақат эгалик ҳуқуқини сотиб оладилар, тасарруф этиш ҳуқуқи эса давлатда қолади.

Умумий хулоса қилганда, мустақил давлатимизнинг биринчи конституциясида республикамиз иқтисодининг асослари батафсил тартибга солинган бўлиб, бу асослар иқтисодимизнинг бундан кейинги тараққиётини, халқ хўжалигида бозор муносабатларини қарор топтиришга хизмат қилади.

**Муҳаммади УСМОНОВ,**
**ТДЮИ кафедра мудири, юридик фанлари доктори.**

# КЎРАР КЎЗИМ, АЙТАР СЎЗИМ БОР

(Боши 1-бетда)

У кишининг доно сиёсати, тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли ёш мустақил давлатимиз ривожланиш сари қадам қўйди. Дунёга танилди. Бу бизнинг энг катта бахтимиз.

Мен юртимиздаги бугунги ўзгаришларни кўриб, халқимиз руҳиятидаги кўтаринкилик ва азму шижоатни англаб, янги аср бошида хаёлимдан Ўзбекистон дунёдаги буюк, тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олади, деган фикрлар кечди.

**-Сиз раҳбарлик лавозимларида кўп ишлаган одамсиз. Айтинг-чи, аввалги раҳбарлик услуби билан ҳозиргиси ўртасида фарқ борми? Қолаверса, раҳбар ўзи ким, у қандай фазилатларга эга бўлиши керак?**

-Чуқур савол. Нима дей... Бундоқ қараганда, биз ишлаган даврдаги раҳбарлик услуби билан ҳозиргиси ўртасида фарқ йўқдек. Ўша иш тажрибалари, ўша-ўша йиғилишлар, муҳокамалар... Яшириб нима қилдим, тарки - одат амри маҳол, демоқчи, ҳали ҳам қуйи тизимдаги раҳбарлар "иш услуби"да сансалорлик, ўзибўларчилик, лоқайдлик, маҳаллийчилик сингари аллақачон воз кечишимиз керак бўлган иллатлар, онда-сонда бўлсада, учраб турибди. Аммо, шунга қарамасдан давр руҳини қалбдан ҳис этган замонавий раҳбарлар кўп. Янгиликлар кўп. Эркин ҳаракат бор, эркин фикр бор. Жамиятимиздан тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатлари кенг ўрин оляпти. Бугун имкониятлар катта. Кимнинг қўлидан нима келса, қандай қобилияти бўлса, уни рўёбга чиқариш имтиёзига эга. Бугун янгиликка интилган, ҳаракат қилган одам, албатта, кўзлаган мақсадига эриша олади.

Энди раҳбар ким, у қандай фазилатларга эга бўлиши керак, деган саволингизга келсак, раҳбар бу аслида форсча сўз бўлиб, "йўл бошловчи" деган маънони билдиради. Агар раҳбар тўғри йўлни топиб, қўл остидагиларни шу йўлдан бошласа, яхши натижаларга эришаверади.

Раҳбар қўл остидаги одамларни ўзига тортиб, ҳам ўзидан итариб туриши керак. Раҳбар ўз ходимининг камчиликларини кўриб-кўрмасликка олиб, ҳадеб мақтайверса, ходим талтайиб кетиб, раҳбарнинг елкасига чиқиб олади. Ёки аксинча... Ҳадеб тергайверсангиз, уришиб-сўкаверсангиз, орадан парда кўтарилади, ҳурмат йўқолади.

Раҳбар доимий равишда жамоатчилик фикрини ўрганиб бориши, кўпчиликда яхши фикр қўзғотиши керак. Бунинг учун эса халқ ташвиши билан яшаб, одамларнинг оғирини енгиллатадиган хайрли ва савобли ишларни кўп қилиши лозим. Фақат шу йўл билан халқ ҳурматини қозониши мумкин. Халқ эса бир дарё. Унинг кўнглини топиб, меҳрини қозонсангиз, у сизни ҳеч қачон доғда қолдирмайди.

Раҳбар ўта холис ва адолатли иш тутиши лозим. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Мени Чустдан бошқа бир туманга ишга оладиган бўлишди. Одамларни йиғиб иш устидаги "яхши-ёмон" гаплар учун узр-маъзур айтдим. Йиғилишдан кейин фаоллар ўртада йўлак ҳосил қилиб, икки томонга тизилишди. Шу пайт қатор турган одамлар орасида Сулаймонов деган кишини кўриб қолдим. У хўжалик раиси бўлиб, атиги 3 кун олдин "бюро"да обдон "пўстагини қоқиб", ишдан ҳайдагандик. Унинг шанига энг оғир гапларни мен айтгандим... "Бу нима қилиб турибди", деб ўйладим. Хуллас, шу одам ҳам бошқалар қатори мен билан қучоқлашиб хайрлашди. Ҳатто, йиғлаб юборди. "Мени кечиринг, Маматхон ака!" деди...

Зуддахон аянгизга доимо тайинлардим: "эрталаб рўзғор ташвишларини айтиб, мени чалғитманг, мен уйдан туманнинг, халқнинг ташвиши билан чиқиб кетай" дердим. Шунақа, ҳар бир раҳбар эрта саҳар покланиб, дилига яхши ниятларни тугиб, остона хатласа, иши бароридан келаверади...

**-Шоир, ёзувчилардан жуда ҳам дўстларингиз кўп, деб эшитганмиз...**

-Раҳматли Абдулла Қаҳҳор ва Кибриёхоним билан оилавий дўст эдик. Борди-келдимиз бор эди. Зулфия опа, Акмал Пўлат, Собир Абдулла, Чустий ва яна бошқа кўп адиблар билан дўсту қадрдон эдик.

**-Абдулла Қаҳҳор билан қай тарика танишгансизлар?**

-Тошкентда стационарда бирга даволанганмиз. Қизиқ бўлган. Абдулла акага мендан илгарироқ жавоб бўлди. "Қайтишингизда бизникига кириб, бир пиёла чой ичиб кетасиз" дея таклиф қилдилар. Шифохонадан чиққан куним Нурмат Эрматов деган ўртоғим билан Абдулла ака хонадонига бордик. Ҳеч



эсимдан чиқмайди. Дастурхон ёзилди. Кибриёхоним бир дона нон олиб келди. Абдулла ака нонни ушатиб, бир пиёладан чой тутди. "Қани, дастурхонга қаранглар" деб илтифот қилган бўлди. Дастурхонда эса... қуруқ нондан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Ғалати бўлдим. Ҳатто, Эрматовни таклиф қилганимдан бироз мулзам тортдим ҳам. Сал ўтиб, Кибриёхоним коса тагида тўрт донадан чучвара келтирди. Икки қошиқдан олгандик тугади. Таъми оғизда қолди. Кибриёхоним яна бир ошамгина овқат келтирди. Яна ва яна... Санаб ўтирибман. Ўн тўрт хил овқат тортилди. Охирида, бир кафтдек ликопчада икки дона олма қўйилди... Дастурхонда ҳеч нарса қолгани, ҳеч нарса увол бўлгани ҳам йўқ,... Атоқли адибнинг нозиктаъблиги, меҳмондорчилигига тан бергандим ўшанда...

**-Ҳозирги ёшлар ҳақида фикрингиз қандай?**

-Яхши. Мустақилликдан кейин ёшларнинг билим олишлари, ҳунар эгаллашлари учун кенг имкониятлар очилди. Ёшлар орасида меҳнатга, билимга чанқоқлари кўп. Лекин, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида ишёқмас, дангаса, текинхўрлари ҳам бор. Бир гектар жойга боғ қилганман. Ўтган йили шу боғдан 35 туп Косон ноки кўчатини ўғирлаб кетишди...Биз ёшлар билан ишлаш деганда кўпроқ жамоат жойларида, ўқув юртларида, маҳаллалардаги ёшлар билан ишлашни тушунамиз. Шунга ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, мен юқорида айтганим ишёқмас, дангаса, алдам-қалдам ишларга ўрганган болалар бундай жойларга қадам ҳам қўймайди. Биз катталар, мураббийлар айнан шулар билан, "назардан четда қолган" болалар билан ишлашимиз керак. Эл ёмонини эл йиғар, дейдилар. Ўшандоқ болаларга жамоатчилик таъсир кўрсатсагина, бир ёмонни тўрт киши ўртага олсагина кутилган мақсадга эришиш мумкин.

Шу ўринда такрорлаб юрадиганим бир шеър:

*Ёшлигимда кўкрагимга гул*
*тақолмадим,*
*Чунки, ёшлигимдан ортиқ гул*
*тополмадим.*
*Ёшлигимда ёшлигим қадрига*
*етолмадим,*
*Кексайганда топган гулим*
*ошкор тақолмадим...*

Бундан энди қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола...

**-Янги йил Оналар ва болалар йили, деб эълон қилинди...**

-Раҳбаримиздан беҳад миннатдормиз. Оналар соғ бўлса, болалар соғлом бўлади. Болалар соғлом бўлса, жамият соғ бўлади. Жамият соғ бўлса, ривожланиш бўлади, мамлакат куч-қувватга тўлади. Президентимиз Конституция куни тантанасида ана шу эзгу таклифни айтатуриб, "бир йилни "Эркакларни асранг" йилига ҳам айлантирамиз" деган гапни айтдилар. Мен бу фикрни чин дилимдан қўллаб-қувватлайман.

**-Оилангиз, фарзандларингиз ҳақида ҳам...**

-Зуддахон аянгиз билан бир умр бирга яшаб, етти фарзандни тарбиялаб, элга қўшдик. Аллоҳга шукурки, ҳаммаси ҳам ҳаётда ўрнини топган. 35 невара, 13 та эварамиз бор.

**-Том маънода пиру бадавлат инсон экансиз...**

-Минг адад шукур.

**-Қишлоқ меҳнаткашларига қандай тилакларингиз бор?**

-Қишлоқ ҳаммани боқади. Деҳқонларимизнинг омадини берсин. Ҳосилларимиз мўл, бозорларимиз тўкинсочин бўлсин. Юртимиздан, ҳар бир хонадондан тинчлик, хотиржамлик, файз-барака аримасин!

**-Раҳмат отахон! Кўп йиллар саломат бўлинг!**

-Бизни унутмай, таклиф қилганларингиз учун сизларга ҳам ташаккур!

**Суҳбатдош: Ортиқали НОМОЗОВ**

### ХАТЛАРДАН САТРЛАР

## БОШ-ҚОШ БЎЛИШ ОСОНМАС

***Ёшларни тўғри, ҳалол йўлга етаклаш, ёш оилалар мустаҳкамлигига эришиш маҳалла фаолларига нечоғлиқ боғлиқлигини Чибоғони қишлоғилик Т.Шарипов, Р.Жумаев, Ҳ.Примовлар яхши билишади.***

Ёшлар ҳаётидан доимо хабардор бўлиб туришлари, панд-насиҳатлар қилишлари, турли қизиқарли мавзуларда тадбирлар ташкил этишлари, энг асосийси, юртнинг тўй-маъракалари осойишта, камхарж, файзли ўтишида бош-қош бўлишлари уларга ҳамқишлоқларининг чексиз ҳурмати ва меҳрини орттиряпти. Ахир, бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-да!

## АЁЗ АКАНИ ДАЛАДАН ИЗЛАНГ

***Бола бошидан деган гап тўғри. Лекин, бир ишни бошлаб охирига етказиш ҳам фойданинг ўзгинаси эмасми?***

Пудратчи Аёз Пирназаров ўтган йили 29 гектар ерга ғалла экиб, гектаридан 30 центнердан зиёдроқ ҳосил йиғиштириб олди. Оқибатда режани орттириб уддалади, қолаверса, рўзғорга ҳам мўмайгина даромад дегандай...

Аёз аканинг айтишича, бу йилги мавсумда белни яна ҳам қаттиқроқ боғлабди. Тайёргарликнинг шитобига қараганда, кўзлаган маррасига етади-ёв!..

Дарвоқе, мабодо ҳозир қидириб бормоқчи бўлсангиз, Аёз акани дала бошидан топасиз.

**Собиржон ҚОДИРОВ,**
**Пешку тумани.**

## БАҲОСИ ЙЎҚ ПОМИДОР

***"Деҳқонобод" ширкат хўжалиги аъзолари деҳқончиликда "устаси фаранг" чиқиб қолди. Улар бултур 50 гектар ердаги помидордан олинган фойданинг ўзига чет эллик ҳамкорлар билан қўшма корхона қуриб олишди ва шу мавсумдаёқ томат пастаси, кетчуп ишлаб чиқара бошлашди. Буни қарангки, харидор кўпайиб кетди.***

Хўжалик раҳбари Абдували Сафаровнинг айтишича, у ҳозир цехнинг иккинчи, учинчи навбатини Туркиядан қандай олиб келишни ўйлаяпти экан. Ажаб эмас, помидор баҳона Деҳқонободда ҳам миллиончилар кўпайиб кетса!

**К. ЖЎРАҚУЛОВ,**
**Бахмал тумани.**

## БОҒЧАНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ-ДА!

***Амир Темур ширкатлар хўжалиги кўчаларидан ўтиб борар эканман, "ҳой анави темирлар бирон eрингни тилиб кетмасин",- дея боғча майдончасида ўйнаётган боласига қичқираётган аёлларга кўзим тушди. Ачиниб кетдим.***

Чунки, анча пайтдан бери аҳвол шу. На боғчани тиклашади, на сочилиб, занглаб ётган темир-терсакларни олиб кетишади.

Илгари боғча, меҳмонхона, маданият саройи бинойидек ишларди. Абгор бўлгунича ҳеч ким, "Ҳой, халқ мулкини қаерга ташияпсан?",- демади. Ҳар йили раҳбар алмашаверди. Одамлар бирига дардини тўкиб улгурмай, кейингиси келаверади. Аммо, ҳеч кимнинг юқоридаги биноларга жони ачимади.

Мана, бу йил "Она ва болалар йили" деб эълон қилинди. Қолаверса, яқинда бу борада қабул қилинган қарорда мактабгача тарбия муассасаларида фарзандларимиз онгига ҳуқуқий тушунчаларни сингдиришни кенг йўлга қўйиш масаласи алоҳида таъкидланган. Бироқ, бизнинг ширкат хўжалигимизда боғчанинг ўзи йўқ-да!

**И. ЭГАМҚУЛОВА,**
**Ховос тумани.**

# ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБИ

### ДАВР

***Ўтган ҳафта Жиззах туманида Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган «Йил мактаби - 2000» кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.***

Таълим жараёнини замонавийлаштириб, «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ижросини таъминлаётган, катта ютуқларга эришаётган мактаблар фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган танлов бу йил ҳар қачонгидан бошқачароқ ўтди. Ҳакамлар ҳайъати вилоятларда ғолиб топилган мактаблар фаолиятини жойларга бориб, бевосита ўрганиб чиқди. Давлат таълим стандартлари талаблари асосида янги педагогик технологияларнинг жорий этилишига, мониторинг тизими ва инновацион ишлар мазмуни ҳамда салмоғига алоҳида эътибор берилди.

Жиззахда эса ғолибликка даъвогар мактабларнинг директорлари ўз фаолиятини саҳнада - ҳайъат аъзолари ва бошқа иштирокчилар кўз ўнгида очиқ ҳимоя этди. Бу уларнинг билимдонлиги, муомала маданияти ва келажак ҳақида аниқ тасаввурга эга эканлигини намойиш қилиш билан бирга, танловга ошкоралик ва холислик бахш этди.

Кўрик-танлов якунига кўра Жиззах вилояти, Жиззах туманидаги 17-ўрта умумий таълим мактаби биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ўринга Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги 17-, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги «Истиқбол» гимназияси ҳамда Тошкент шаҳридаги 110-ўрта мактаб сазовор бўлди. Учинчи ўринни эса Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги 14-, Нукус шаҳридаги 20-, ҳамда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 32-ўрта мактаблар олишди.

Кўрик-танловнинг якуний йиғилишида ғолиб жамоа - «Ўзбекистон» мактабига Халқ таълими вазирлиги дипломи ва «Пентиум» компьютер синфи мажмуи топширилди. Жиззах туман ҳокимлиги 3 миллион сўм маблағ ҳамда видео жуфтлик совға қилди. Бошқа ғолиблар ва иштирокчилар ҳам турли қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирланди.

**(ЎзА)**



**Жалолқудуқдаги "Подшипник" очиқ турдаги акциядорлик жамиятида бундан бироз аввал хомашё тақчиллиги боис иш тўхтаб қолган эди. Қаловини топсанг қор ёғади, деб бекорга айтилмаган экан. Шундан сўнг улар инқироздан чиқиш йўлларини изладилар ҳамда имконини топдилар. Бугунга келиб, корхонада подшипникдан ташқари аҳоли ва ташкилотлар учун турли хил эҳтиёж моллари ишлаб чиқарилмоқда.**
**СУРАТДА: илғор ишчи Дилрабо Ҳурматова.**

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# СОВРИНЛАР – ЭЪТИРОФ БЕЛГИСИ

(Боши 1-бетда)

Дастлабки пайтларда фақат маҳаллий навлар экилган бўлса, кейинчалик "Баян-ширей", "Кабарне", "Кульжинский", "Морастель", "Рислинг", "Ркацели", "Саперави", "Алеатико" сингари хорижий навлар етиштириладиган майдонлар ҳам кенгайтирилди. Ҳозирги пайтда фақатгина узумнинг йигирма хилдан ортиқ шароббоп, майизбоп ва хўраки навлари етиштирилмоқда.

Узум етиштириш, ундан ичимликлар тайёрлашнинг ўз усталари, соҳанинг фидойилари бор. Шу ўринда улардан бири ҳақида тўхталмоқчиман. Н.Козимов номли ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Анатолий Васильевич Попрядухин шароббоп узум етиштириладиган майдонларни йўқ қилиб ташлаш бўйича ғайритабиий хатти-ҳаракатлар амалга оширилган даврда бу ишларга қарши тура олган эди. Унинг қатъияти туфайлигина 467 гектар шароббоп узумзорлар сақлаб қолинган. Узоқни кўра билган ана шу инсон ҳозирги пайтда ўз шогирдлари билан бирга мавжуд токзорларни таъмирлаш билан бирга янгиларини барпо этишяпти.

Кейинги пайтда тармоқни ривожлантиришга эътибор янада кучайтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компанияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бугунги кунда дастуруламал бўлиб хизмат қиляпти. Эндиликда мулкчилик муносабатлари тубдан ўзгарди. Боғ ва токзорлар миришкорларга ижарага берилганлиги туфайли, моддий манфаатдорлик ошиб, пировард натижа – ялпи ҳосил миқдори кўпаймоқда. Хусусан, 2000 йилда фирма тизимидаги хўжаликларда 14 минг тоннага яқин узум етиштирилди.

Н.Козимов номли ширкат хўжалиги 2000 йили жами 10 минг тонна узум етиштириб, унинг шароббоп 5 минг тоннасини қайта ишлаш учун корхонага топширди. Бундан ташқари 100 тонна узум, 45 тонна олма Россия Федерацияси минтақаларида сотилди. Шунинг ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техника воситалари учун зарур эҳтиёт қисмлар олиб келинди. Хўраки навли узумлар аҳоли дастурхонини тўкин қилди.

Ургут туманидаги "Мўминобод" ширкат хўжалиги соҳибкорлари ҳам умумий ишимизга муносиб улуш қўшишмоқда. 2000 йилда ана шу ширкатдан ва фирма тизимига кирмайдиган бошқа хўжаликлардан шартнома асосида шароб корхонасига 15,5 минг тонна узум қабул қилиб олинди.Замон – изланганники, деб бежиз айтишмайди. Жамоамиз маҳсулот турларини кўпайтириш, уларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида ижодий изланмоқда. Бу йил қовун ва анжирнинг қайта ишланганидан "Амирий", "Лайло", "Роҳатижон", "Офтоби" деб номланган шифобахш ичимликлар тайёрлашни ўзлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ҳар бир жамоа эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмай, ютуқларни янада мустаҳкамлаш, янги марраларни эгаллаш ҳақида қайғуради. Бунинг учун ички имкониятларни ишга солиш, мавжуд муаммолар ечимини топиш ҳаракатига тушади. Шу ўринда тармоқ ходимлари олдида турган муаммолардан бири ҳақида фикр юритмоқчиман. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг табиий-иқлим шароити бирмунча ўзгариб боряпти. Бир неча ўн йиллар илгари яратилган узум ва мева навлари ҳозирги табиий-иқлим шароитига жавоб бермай қолди. Республикамизда боғдорчилик ва узумчилик масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтлари, шу соҳага дахлдор бошқа муассасалар мавжуд. Олимлар ва мутахассислар узум ва меванинг ҳозирги табиий-иқлим шароитига мос келадиган янги навларини тезроқ яратиб, ишлаб чиқаришга тадбиқ этсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Алмамат АБДУЛЛАЕВ,**
**"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниясининг Самарқанддаги М.Ховренко номли агрофирмаси бош ҳосилоти.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛИНАДИМИ?

***Берлин бундан буён Москва ҳамда Вашингтон ўртасидаги ракета ҳужумидан мудофаа масаласида воситачилик қилмайди. Бу ҳақда Олмония ташқи ишлар вазири Йошка Фишер матбуот анжуманида хабар қилди.***

Унинг фикрича Олмония ушбу муаммо юзасидан Россия Федерациясининг олиб бораётган сиёсатидан ҳурсанд. Бироқ, олмонлар ҳам НАТО аъзоси эканлиги боис, мазкур ташкилот доирасида етакчи ҳамкорларидан бўлмиш Америка билан биргаликда иш олиб бормоғи лозим. Қолаверса, АҚШнинг ракета ҳужумидан мудофаани ривожлантириши унинг ҳам хавфсизлигини кафолатлайди.

## БМТ ЛИБЕРИЯГА ЖАЗО ҚЎЛЛАМОҚЧИ

***Ғарбий Африка давлатлари БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига мурожаат билан чиқдилар.***

Уларнинг асосий мақсади Съерра-Леонедаги исёнчи кучларни қўллаб-қувватлаётган Либерия давлатига нисбатан мазкур нуфузли ташкилотнинг жазо чоралари қўллашини икки ойга кечиктиришдир. Уларнинг наздида, ушбу муддат давомида Либерия ўзининг бу хил фаолиятига чек қўяди.

Аммо, БМТдаги АҚШ ва Буюк Британия вакиллари эса ушбу таклифни кўриб чиқилишини рад этдилар. Сабаби, исёнчиларни қўллаб-қувватлаш аллақачон тўхташи керак эди. Буюк Британия вакили Жерем Гринстокнинг айтишича, Либерия қимматбаҳо олмослар эвазига қўзғолончиларга қурол-аслаҳа етказиб берар экан.

## "ТИТАНИК" ЙЎЛОВЧИСИНИНГ ВАФОТИ

***1912 йили "Титаник" кемаси ҳалокатида омон қолган сўнгги эркак йўловчи Мишел Навратил Парижда вафот этди. Фожеа юз берган вақтда у тўрт ёшда эди.***

Шундай қилиб, ҳалокатдан қутулганлардан фақат тўрт аёл қолди.

## ҲУКУМАТГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

***Бангладеш Республикаси бош вазири Шайх Хасинга қарши мухолиф кучлар мамлакатда иш ташлашлар уюштирдилар.***

Уларнинг мақсади бош вазирни истеъфога чиқариш ҳамда муддатидан аввал сайлов ўтказишдир. Мамлакатда транспорт воситалари ҳаракати тўхтатилган, кўплаб завод-фабрикалар ёпилган. Бундай тартибсизликларни бартараф этиш учун ҳарбийлар ва милиция ходимлари жалб этилган, дея хабар қилади Рейтер агентлиги.

## ҚИЛМИШ ҚИДИРМИШ

***Рейтер агентлигининг хабарига қараганда, Истамбул шаҳар суди давлат хавфсизлик хизматининг собиқ раҳбари Коркут Экен ва милиция махсус бўлинмасининг аввалги бошлиғи Иброҳим Сахин устидан ҳукм чиқарди.***

Улар уюшган жиноятчи гуруҳлар тузиб, қонунга хилоф равишда қурол-аслаҳа, гиёҳванд моддалар ҳамда одамларни ўғирлаб сотиш билан шуғулланганлар. Бундан ташқари, ушбу жиноятларга алоқадорликда яна 12 нафар милиция ва хавфсизлик хизмати ходимлари айбланган.

## ИККИ ТОМОННИНГ ИККИ ХОҲИШИ

***АҚШ давлат департаменти вакили Ричард Баучернинг айтишича, Америка ҳукумати Бағдод-Дамашқ (Сурия) йўналишидаги доимий тижорат ҳаво қатновининг қайтадан тикланишини маъқул кўрмаяпти.***

Аммо Ироқ давлати эса Форс кўрфазидаги урушлар туфайли 1990 йилдан буён БМТнинг Ироққа нисбатан қўллаб келаётган жазо чораларига қарамасдан, мазкур йўналишдаги ҳаво қатновини ҳафтада икки марта амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

## "ТРАКТОРЧИ"НИНГ ҚАМАЛИШИ

***Нальчик шаҳрида "тракторчи" лақабини олган чечен террорчиси С.Темирбулатов устидан олиб борилаётган суд жараёни якунланмоқда.***

Давлат айбловчиси В.Кравченко ушбу чечен дала командирига ўлим жазоси берилишини ҳамда мол-мулки давлат ихтиёрига мусодара этилишини талаб қилди. Айбловчи фикрича, таъмагирлик ва одам ўғирлашда айбланаётган С.Темирбулатовнинг жиноятлари тўла исботланган.

**Молиявий Янгиликлар Агентлиги "Виртуал кутубхонаси" билан ҳамкорликда тайёрланди.**

# ИНСОНИЯТ БОШИДАГИ ТАШВИШ

(Боши 1-бетда)

Жорий йилнинг январ ойи тарихга айланди. Таассуфки, XXI асрнинг ўтган шу биргина ойида ҳам бир қатор хорижий давлатларда яна террорчилик ҳуружлари содир этилди. Бунинг оқибатида кимлардир ўлган бўлса-да, ҳали ҳам барча бирдек ўзидан, ўзгалардан огоҳ ва ҳушёр эмас.

1999 йил ноябр ойида бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истамбул саммитида Президентимиз Ислом Каримов "Халқаро терроризмга қарши кураш маркази" тузиш таклифи билан чиқдилар. Дарҳақиқат, терроризм халқаро жиноят турларидан бири саналади. Жаҳон ҳамжамияти унга қарши биргаликда универсал Конвенциялар, минтақавий актлар ёрдамида курашишлари лозим.

Ўз навбатида, ушбу таклифда терроризм кўринишлари билангина курашиш эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ ва қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларнинг фаолиятига чек қўйиш назарда тутилган эди.

Боткен, Сариосиё ва Узун туманларида бўлиб ўтган воқеалар хусусида муносабат билдириб, Йўлбошчимиз террорчиларни чаёнга қиёсладилар. Зеро, чаённинг ягона вазифаси чақишдан, заҳарлашдан иборат. Шунинг учун, муаммонинг бирдан-бир ечими уни янчиб ташлашдир, дея гапирди. Бу ҳақ гап!

Шукрки, юртимизда осойишталик ҳукмрон. Пок ниятли халқимиз нафақат бугуннинг, балки эртанги куннинг умиди билан яшаётган ҳозирги даврда теварак-атрофимизда урушлар, низолар бўлаяпти. Бу ҳол бизни юртимиздаги тинчликни кўз қорачиғимиздек асрашга ундайди. Дарҳақиқат, хотиржамликка берилмасдан доимо ҳушёр ва огоҳ яшасак барқарорлигимиз мустаҳкамланаверади.

Йўлбошчимиз айтганларидек: "Жаҳон – кенг, дунёда мамлакат – кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз – яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим. Мамлакатимизни тараққий топган, тўқ, эркин яшайдиган давлатлар қаторида тинч-тотув ҳаёт қуришига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди".

**К.АЛИОХУНОВ**

Qishloq HAYOTI

2001 йил 16 феврал

# “ҚУТЛУҒ ҚАДАМ ҲАМДА БЕҲУДУД”

(Боши 1-бетда)

Қаранг, Амударё "Авесто"да қандай шарафланаяпти, улуғланаяпти, йўқ, аниқроғи илоҳийлаштириляпти. Бу бежиз эмас, чунки, сув - ҳаёт, у тирикликнинг мезони. Шунинг учун, Амударё улуғланяпти. "Кенг, ёйилиб оққувчи ул оби ҳаёт" қанчалик ҳурмат қилинса, шунчалик оз, эътиқоду эътиборнинг энг аввали унга бўлсин. Амударё эъзозланиб, "ҳақиқат руҳи" деб улуғланади. У ҳамма ижобий нарсани қутловчи, барча эзгуликни истовчи ҳилқат даражасига кўтарилади.

Мана яна Амударё мадҳи:

**Қутлуғ қадам ҳамда беҳудуд.**
**Узунлиги тенг қудрати замин оралаб**
**Оққан барча дарёларга, барча сувларга,**
**Хукариё (Хинди куш) чўққисидан улоқиб**
**бахри**
**Ворукатга етгувчи ўктам.**
**Ворукатнинг қирғоқлари уйғонар ундан**
**Кўкрагида кунгай вахм ичра тўлқинлар,**
**Қачон уларнинг сарига,**
**Қачон улар жанубига елиб келгай**
**Ардвисура – Анахита.**
**Унинг ким минг кўрфази бор.**
**Унинг ким минг шахоби бор.**
**Ҳар бир кўрфаз утрусидан**
**Ҳар бир шахоб утрусидан**
**Қирқ кун сургай арғумоғин**
**Бебок чавандоз.**

Ушбу жумлаларни ўқир экансан, кўз ўнгингдан азим дарёнинг ўркач-ўркач тўлқинлари ўтиб, шовқинлари эшитилгандай бўлади. Йўқ, йўқ, шовқин эмас, жимир-жимир мавжланиб оқаётган офатижон зилол сув жонланади. Унинг сирли шивир-шивири бутун борлиғингни эгаллайди, хаёл оғушида маст бўлиб, сен ўзингни ана шу ҳилқатга топширасан.

Ўйноқи сувларнинг югуриши, халқа-халқа из қолдириб, яна қандайдир хушҳолликлар пайдо қилади. Бир сўз билан айтганда, Амударё бу - ҳаёт! Шундай ҳаётки – у завқли, бахтли, нурли, умуман инсонийликни ўзига жамлаган ҳилқатдир.

**Мана, “Авесто”да Амударё “сўзлаяпти” қулоқ тутинг:**
**-Сувларимнинг бир ирмоғи - бир шохоби.**
**Етар етти иқлимга ҳам.**
**Сувларимнинг бир ирмоғи – бир шохоби.**
**Қишин-ёзин тинмай оқар.**
**У чинакам шарофатли айлар мени.**
**Ҳам оталар нутфасини, аёл қорнини,**
**Ва оналар кўксини, -**
**Мен – Аҳура-Мазда унинг яратгувчиси**
**Парвардигори,**
**Хонадонлар ва қишлоқлар,**
**Вилоятлар, мамлакатлар яшасин учун.**
**Қўриқлаш учун.**
**Хифз-ҳимоят қилмоқ учун**
**Бунёд айладим.**

Умуман, "Авесто" инсониятга берилган ноёб маънавий хазинадир. "Авесто"нинг мазмундорлиги ақлингизни пешлайди, тафаккурингизни қайраб, сизни ўйга толдиради.

Аждодларимизнинг юксак камолоти, беназир, қимматли ўгитлари авлодлар учун йўлчи юлдуз бўлиб қолаверади.

**Мусоқул УСМОНОВ,**
**Тошкент Молия институти профессори.**

КЎНГИЛГА САЙР



## БУЮКСАН ВАТАН

Муқаддас маъвосан, буюксан Ватан,
Эътиқод, ор-номус, виждон ҳамда шаън,
Гардинг ҳам тўтиё кўзга, дафъатан,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Олисга чорласа саёҳат, сафар,
Йўлларга тўшалса бойлик, сийму-зар,
Кулиб қарши олса ютуқ ва зафар,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Гоҳида лол қолдим турфа ишлардан,
Юрагим муз қотди совуқ қишлардан
Заминга дарз кетгай силкинишлардан,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Ғанимлар тургайдир тинчлигинг бузиб,
Аламдан титрайман ғазабим қўзиб,
Дунёга сиғмасман ҳаёлим тўзиб,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Муҳаббат дилимга солди ғалаён,
Висол деб ёнганим ўзимга аён,
Танамда жўш уриб гупургайдир қон,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Навога жўр этдим куй, созларимни,
Кузларга алмашдим гоҳ ёзларимни.
Қабул эт соғинчу, дил розларимни,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

## ОДАМЛАР

Балиқ бўлсам, Сиз денгизимсиз,
Менинг сиз-ла тириклигим рост.
Тунда эса сиз кундузимсиз,
Боқий ишда шериклигим рост.

Ҳар бир одам, ҳар бир қадамда,
Сафингизда борман, одамлар.
Хоҳ севинчда, хоҳ бўлсин ғамда,
Меҳрингизга зорман, одамлар.

## БАҲОРГА ЕТИБ КЕЛДИК

Кўзим қувон дил истар, баҳорга етиб келдик,
Бизлар интизор кутган диёрга етиб келдик.

Қирқ кокили қизларнинг тўлғанади белида,
Бахтдан энтикиб айтган “ёр-ёр”га етиб келдик.

Ҳамма бирдай ҳамжиҳат, лабдан кулгу аримас,
Сумалаклар сузилган наҳорга етиб келдик.

Ҳар сония муҳаббат ошно бўлди кўнгилга,
Бизни кутган кўзлари хуморга етиб келдик.

Ўзлигимиз бўй-бастин кўриб яйраб-яшнаса,
Собит қадам, мустаҳкам шиорга етиб келдик.

Шукрона айт, Исмоил, тириклик ҳам бир неъмат,
Шу кунларга саломат – қаторда етиб келдик.

## МАНЗАРА

Кун ботиб бормоқда тоғлардан пастга,
Сукутга чўмгандек жумлаи жаҳон.
Қирмизи шафақ ҳам сўниб оҳиста,
Қорая бошлайди зангори осмон.

Дарахтлар мизғийди пинакка кетиб,
Ястаниб қораяр яқин-йироқлар.
Қора тун юракка улгурмас иниб,
Борлиқни ёритар сутранг чироқлар.

## СОҒИНИБ ЯШАЙМАН

Хайр дейсан ерга боқиб гоҳ,
Олисликка сингиб кетасан.
Қоладирман бир ўзим танҳо,
Кўз олдимдан бир-бир ўтасан.

Сиғмагайман дунёга шу он,
Бирор ишга бормагай қўлим.
Дилда ҳислар бошлар ғалаён,
Кўргим келар, сени севгилим.

Вужудимни эзар узун тун,
Кўксим бўлар ҳижрон Ватани.
Гул висолинг кўрмоқлик учун,
Соғиниб яшайман эртани.

**Исмоил ТЎХТАМИШЕВ**

## СПОРТ ОЛАМИДА

### ФУТБОЛГА БЕРИЛГАН БАҲО

***Нобель олийгоҳи директори Гейр Лундестад яқинда бу йилги Халқаро Нобель мукофотига сазовор номзодлар рўйхатини эълон қилди.***

Унинг маълумотларига кўра, 126 номзод танлаб олинган бўлиб, улардан 28 нафари Қизил Яримой, инсон ҳуқуқлари бўйича Оврупо суди, ФИФА – Халқаро футбол федерацияси каби кўзга кўринган ташкилотлардандир.

Г.Лундестад рўйхатларни эълон қилар экан, жаҳон футболига берилаётган бундай баҳо, шубҳасиз, ушбу спорт турининг келажакдаги нуфузини янада баландроқ кўтаради, дея ишонч билдирди.

### ТЎҚЛИККА ШЎХЛИК

***Россиядаги МҲСК футбол клуби президенти Ш.Дадахоновнинг жияни Аслонбек кутилмаганда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қамоққа олинди.***

Маълум бўлишича, унинг ёнидан 2 та жанговар граната топилган. Аслоннинг хонадонида тинтув ўтказилганда эса 25 минг Америка доллари ҳамда фойдаланиш тақиқланган видеотасмалар ноқонуний равишда сақланаётгани аниқланган.

### ЛЬЮИСНИНГ ОРЗУСИ

***Профессионал бокс ишқибозлари Леннокс Льюис ва Майк Тайсон ўртасида бўлиб ўтиши режалаштирилган навбатдаги олишувни сабрсизлик билан кутишаётган бўлишса, ажаб эмас.***

Лондонда кўзга кўринган ташкилотлардан бири “Уильям Хилл”даги ашаддий ишқибозларнинг айтишича, Льюиснинг иккита орзуси бор: “Темир панжа Тайсон”ни енгиш ва профессионал боксни бутунлай тарк этиш.

Албатта, орзуга айб йўқ. Бироқ Тайсоннинг тарафдорлари ҳалитдан тахминий очколаргача белгилаб улгуришди - 33-1. Маълумотларга қараганда, учрашув шу йил 21 июлда бошланиши керак.

# ҚАСОСКОР БОЙЎҒЛИ

ТАБИАТ ОРОЙИШЛАРИ

***Куз оқшоми. Кўкда ярим ойнинг ўроғи сокин сузиб юрибди. Ҳавонинг аёзи баланд бўлгани учун очиқ қўрада сурув кирт-киртлаб ковуш қайтарарди. Серка қўнғироғи гоҳ-гоҳида жаранглаб тун қаърини ёргандек бўлади.***

Куни билан сурув ортида юрган чўпонни печканинг ҳарорати илитди. Кўзи уйқуга кетди. Ярим оқшом уйғонди. Зим-зиё тун. Бойўғлининг ёқимсиз овози қулоғини тешиб юборгудек бўлди. У чакмонини елкасига ташлади-ю ташқарига чиқди.

-Падарлаънат, бу ёқимсиз қуш қаердан келдийкан, - дея кесак отиб уни учириб юборди.

Ўша оқшом йигитнинг кўзига уйқу келмади. Эртаси куни ярим тунда яна бемаҳал келган қуш "сайрай" бошлади.

Йигит жаҳл билан ташқарига отилди. У қушни чўчитмасдан паналаб юрди. Бойўғли эса ҳамон увилларди. Чўпон чаққон бир ҳаракат билан қушга ташланиб, уни ушлаб олди-ю бошини узиб ташлади.

-Лаънатидан қутилдим, - деб ўйлади.

Навбатдаги кечаси яна бир Бойўғли тун тинчлигини бузди. Чўпон буни ҳам устакорлик билан ушлаб, бошини танасидан жудо этди.

Тўртинчи оқшом тағин Бойўғли товуши эшитилди. Йигитнинг жаҳли чиқдими, унинг изидан юрди. У шиддат билан қушга қўл узатган ҳам эдики, Бойўғли рақибининг бир кўзини чўқиб олишга улгурди. У шу заҳотиёқ қушнинг бошини узиб ташлади. Бироқ, чўпон кўзининг қорачиғи оқиб кетганди.

Ўша машъум тунда нобакор Бойўғли қиличдай инсондан ўч олди. Ё, тавба, дейсан беихтиёр. Бу нима? Қарздорлик – қаҳри худо деганларимикан?!

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

***Брюссел фуқароси Рудольф Кайзер бир хонадонни ижарага олди. Айтишларича, бу ерда илгари қандайдир банк фаолият юритган экан.***

### ҲАЗИЛКАШ КУЁВ

Шунинг учун бўлса керак, хонанинг бир бурчагида банкнинг каттакон сейфи унутиб қолдирилган эди.

Кунларнинг бирида ёш келин-куёвни янги уйга кўчиб ўтганликлари билан табриклаб, унинг қайнонаси ташриф буюрди. "Эркатой" куёв ҳам "қайнонамга бир ҳазиллашиб қўяй", - деди-ю, уни сейфга қамаб қўйди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қайнона "шўрлик" ҳаво етишмай ҳарсиллай бошлади. Афсуски, куёв қанча чиранмасин сейфни очишнинг имконини тополмади. Нима ҳам қилсин?.. Рудольф мутахассисларни чақиришга мажбур бўлди.

Қизиғи, усталар қайнонани бир амаллаб "бандилик"дан қутқариб олишди, бироқ, уни яна куёвнинг олдида қолдириб кетишди.

### САДОҚАТЛИ БОББИ

***“Ит – вафо...” деган халқ мақолини америкалик ит – Бобби тўлақонли исботлади.***

Хуллас, хўжайинлари меҳнат таътилини шаҳардан ташқарида ўтказмоқчи бўлишди-ю, Бобби йўқолиб қолди. Эр-хотин бу воқеадан жуда қаттиқ таъсирланишди, қайғуришди. Кунлар ўтиб у деярли унутилаёзди ҳам.

Буни қаранг-ки, тахминан 6 ой деганда Бобби тўсатдан қадрдон ҳовлисида пайдо бўлди. Афсуски, у жуда озиб кетган, очликдан силласи қуриб, базўр оёқда турарди.

Кейинроқ уй эгалари итнинг садоқати, аянчли ўтмиш кунлари ҳақида қўни-қўшнилар, танишбилишлардан эшитиб, очиғи, ҳайратдан ёқа ушлашди. Айтишларича, Бобби 6 ой давомида фақат жондан азиз эгаларини, таниш ҳовлини қидириш билан овора бўлган. Қишнинг қаҳратон совуқларини баланд тоғлар бағрида ўтказса ҳам 2800 км йўл босиб, Американинг 5 та штатини кезиб чиқишга мажбур бўлди. Барибир ўзининг севимли хўжайинларини топди.

**О.ҲАЙИТОВ тайёрлади.**

# СКАНДИНАВИЯ БОШҚОТИРМАСИ




### 9 ФЕВРАЛДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ:

**БЎЙИГА**: 2. Колон. 4. Ариқ. 6. Арман. 7. Бардам. 8. Порту. 9.Синов. 10. Читтак. 13. Марс. 14. Араз. 16. Ватт. 18. Хато. 20. Динозавр. 21. Баҳром. 22. Фитрат. 23. Амур. 24. Квас. 25. Ипак. 27. Бўри. 28. Он. 30. Оз. 34. “Анор”. 37. Турп. 38. Мақола. 39. Байт. 40. Узун. 41. Милтиқ. 42. Сероб. 43. Автол. 45. Қафас. 46. Қалъа. 48. Изма.

**ЭНИГА**: 1. Тошкент. 3. Зах. 5. Испания. 11. Ампула. 12. Ямоқчи. 13. Мароқанда. 15. Довон. 17. Нўхат. 19. Ундов. 23. Атлас. 24. Кеннеди. 26. Симоб. 28. Ов. 29. По. 31. На. 32. Аз. 33. Работ. 35. Сумалак. 36. Танти. 42. Сирға. 44. Қуруқ. 46. Қўпол. 47. "Туркистон". 49. Латифа. 50. Олхўри. 51. Тарсаки. 52. Шак. 53. Саратон.



Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

Б.АКРАМОВ сурат-лавҳаси.

# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!



**Мамлакат мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан, ўзбек халқининг деҳқончилик соҳасидаги тарихий бой тажрибаларини қайта шакллантириш, унут бўлган услубларни излаб топиш, оммалаштириш, табаррук заминимиздаги мавжуд боғ-бўстонларни янада кўркамлаштириш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида янги-янги навлар яратиш, илғор тажрибаларни юзага келтириш мақсадида “Қишлоқ ҳаёти” газетаси “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” холдинг компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон телевидениесининг “Ассалом, Ўзбекистон” кўрсатуви орқали берилаётган “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” холдинг компанияси қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи Адиба Аҳмаджонованинг “Соҳибкор саховати” муаллифлик дастури асосида танлов эълон қилади.**

## ТАНЛОВГА:

-мева-сабзавотчилик ва узумчилик борасида охирги йилларда яратилган янги навлар ва уларнинг афзаллиги ҳамда ўстирилаётган ҳудуд тўғрисидаги;

-мевачилик, узумчилик, сабзавотчиликда ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатини яхшилаш борасида ишлаб чиқилган янги агротехник тадбирлар, улар қўлланилаётган ҳудудлар тўғрисидаги;

-боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликда касаллик ва зараркунандаларга қарши ишлаб чиқилган янги, маҳаллий, самарали усуллар, уларнинг натижалари хусусидаги;

-мева, узум, сабзавот маҳсулотларини сақлашда ишлаб чиқилган янги, замонавий тажрибалар ҳақидаги;

-мева, узум ва сабзавотларни қуритиш бўйича ишлаб чиқилган янги, халқаро андозалар даражасидаги тажрибалар мукаммал ёритилган;

-шаҳар, туман марказлари, томорқа ва дала ҳовлиларини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар, мақола ва очерклар, лавҳалар, суратли репортажлар қабул қилинади.

Танловда қатнашишни истаганлар ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини ёзма равишда **“Қишлоқ ҳаёти” газетасига**, **“Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг”** холдинг компаниясига юборишлари сўралади.

**Танлов муддати 2001 йил 10 августгача.**

Энг долзарб деб ҳисобланган мавзулар "Қишлоқ ҳаёти" газетасида ёритиб борилади.

Ғолиблар Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллик тўйи арафасида эълон қилинади. Ғолиблар учун "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компаниясининг қимматбаҳо совғалари таъсис этилган.

**“Соҳибкор саховати” танловига шошилинг!**
**Биз Сизни кутамиз!**



**“Кўк-терак” ОАЖнинг 2000 йил якунларига бағишланган умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида**

## ҲУРМАТЛИ “КЎК-ТЕРАК” ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ!

Кузатув Кенгаши қарори 2001 йил 12 февралдаги 1/2001 сонли баённомасига асосан акциядорларнинг 2000 йил фаолиятига бағишланган умумий йиғилиши 2001 йил 17 март куни соат 10-00 да Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри К.Ғофуров кўчаси 113-уйда ўтказилади.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати (реестри) 2001 йил 15 февраль санасига кўра тузилган.

**КУН ТАРТИБИ**

1. Жамиятнинг 2000 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссияси ва аудитор ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2000 йилда кўрилган фойданинг тақсимоти.
4. Кузатув Кенгаши аъзолари таркибини қайтадан сайлаш.
5. Тафтиш комиссиясининг таркибини сайлаш.
6. Ижро органи таркибини сайлаш.
7. Жамият аудиторларини тасдиқлаш.
8. Бизнес режани тасдиқлаш.

“КЎК-ТЕРАК” ОАЖНИНГ 2000 ЙИЛГИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

| № | Кўрсаткичлар номи | АКТИВ | ПАССИВ |
|---|---|---|---|
| 1 | Асосий фаолият қолдиқ қиймати | 43372 | |
| 2 | Уюшма корхоналаридаги акциялар | 1500 | |
| 3 | Ишлаб чиқариш заҳиралари | 4487 | |
| 4 | Олиб сотиладиган товарлар | 651 | |
| 5 | Пул маблағлари | 1305 | |
| 6 | Дебиторлик қарзлари | 34045 | |
| | ш.б. аванс тўловлари | 367 | |
| 7 | Устав капитали | | 52622 |
| 8 | Соф фойда | | 6776 |
| 9 | Узоқ муддатли қарзлар | | 19273 |
| 10 | Харидорлардан олинган бўнаклар | | 1461 |
| 11 | Кредиторлик қарзлари | | 5228 |
| | **БАЛАНС** | **85360** | **85360** |

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР: *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” корпорацияси, “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” компанияси, “Ўзпахтасаноатсотиш”, “Ўзбекипаги”, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

Телефонлар: Қабулхона - 133-09-93 - 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30 (факс).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-519-58; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган, Фарғона - 8-369-22-652-10; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-640-80; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.

Навбатчи: У.ЖУМАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00 | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди | 1 2 3 3 4 6.